


АҲОЛИНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

2024
ЯНВАРЬ

жами 2071 та
респондент
қатнашди



Январь ойида аҳолининг келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан бироз секинлашиб, **13,1** фоизни ташкил этди.



Инфляцион кутилмаларнинг омиллари (респондентлар улуши, фоизда)	2023											2024
	фев	мар	апр	май	июнь	июль	авг	сен	окт	ноя	дек	янв
Валюта курсининг ўзгариши	46	51	45	47	50	59	70	65	59	58	60	55
Ёқилғи ва энергия қимматлашиши	45	36	31	32	33	36	43	45	49	43	47	49
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	27	24	21	21	22	32	27	34	36	38	37	39
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	24	38	50	36	40	32	36	30	24	38	33	32
Монополия ва нархларнинг сунъий оширилиши	37	39	40	36	38	31	33	32	31	31	31	32
Транспорт харажатларининг ошиши	35	27	23	21	20	21	22	23	29	26	29	29
Асосий озиқ-овқатларнинг қимматлашиши	28	31	30	25	25	24	23	26	25	24	24	24

Келгусида нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида **ёқилғи ва энергия ресурслари** ҳамда **коммунал хизматлар қимматлашишини** қайд этган респондентлар улуши ошган бўлса, **валюта курси ўзгаришини** омил сифатида белгилаган респондентлар улуши камайган.


ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАРИ

2024
ЯНВАРЬ

жами 1308 та
респондент
қатнашди



Тадбиркорлик субъектларининг келгуси 12 ойлик инфляцион кутилмалари ўтган ойга нисбатан пасайиб, **12,7** фоизга тенг бўлди.



Инфляцион кутилмаларнинг омиллари (респондентлар улуши, фоизда)	2023											2024
	фев	мар	апр	май	июн	июл	авг	сен	окт	ноя	дек	янв
Валюта курсининг ўзгариши	48	50	43	44	55	60	71	68	62	61	62	59
Ёқилғи ва энергия қимматлашиши	46	33	29	30	32	37	38	42	47	40	42	43
Иш ҳақи ва нафақаларнинг ошиши	25	34	41	36	39	33	30	29	24	37	34	28
Коммунал хизматларнинг қимматлашиши	25	21	18	20	21	29	24	31	37	38	33	35
Транспорт қимматлашиши	46	33	29	30	26	25	25	28	32	29	30	33
Солиқ юкининг юқорилиги	23	19	21	18	21	20	18	20	20	19	24	24
Хомашё нархларининг қимматлашиши	17	17	16	15	16	13	14	16	15	14	14	28

Хомашё нархлари ва **транспорт харажатлари қимматлашишини** кегусида нархларга оширувчи босим кўрсатиши мумкин бўлган асосий омиллар сифатида қайд этган тадбиркорлар улуши ошган бўлса, **иш ҳақи** ва **нафақалар** оширилиши ҳамда **валюта курси ўзгаришини** омил сифатида белгиллаган тадбиркорлар улуши камайган.



ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР – СОҶАЛАР КЕСИМИДА

2024
ЯНВАРЬ

Респондентлар
Аҳоли – 2071 та
Тадбиркорлар – 1308 та



Аҳолининг энг юқори инфляцион кутилмалари **ишлаб чиқариш** соҳасида фаолият олиб борадиган респондентлар ҳамда **пензионерлар** томонидан қайд этилган бўлса, келгусида нархлар шаклланиши бўйича энг паст кутилмалар **савдо** соҳасида кузатилди.



Тадбиркорлик субъектларининг энг юқори инфляцион кутилмалари **ахборот технологиялари, маданият** ва **ишлаб чиқариш** соҳаларида кузатилган бўлса, энг паст инфляцион кутилмалар **хўнарамдлар** томонидан қайд этилди.



ИНФЛЯЦИОН КУТИЛМАЛАР – ҲУДУДЛАР КЕСИМИДА

2024
ЯНВАРЬ

Респондентлар
Аҳоли – 2071 та
Тадбиркорлар – 1308 та




Аҳоли инфляцион кутилмаларининг энг юқори кўрсаткичи **Тошкент шаҳри** ва **Самарқанд вилоятида** кузатилган бўлса, энг паст инфляцион кутилмалар **Андижон вилоятида** истиқомат қиладиган аҳоли томонидан қайд этилди.




Тадбиркорлик субъектларининг энг юқори инфляцион кутилмалари **Самарқанд вилояти** ва **Тошкент шаҳрида** кузатилган бўлса, энг паст кутилмалар **Хоразм** ва **Бухоро вилоятларида** фаолият олиб борадиган тарбиркорлар томонидан қайд этилди.

Даромадлари **4 млн.сўм** ва **ундан юқори** бўлган аҳолининг инфляцион кутилмалари республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори даражада шаклланди.



Худудлар кесимида аҳолининг инфляцион кутилмалар бўйича жавоблар тақсимои





СЕЗИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ ОМИЛЛАРИ (АҲОЛИ)

2024
ЯНВАРЬ

жами 2071 та
респондент
қатнашди



Ўтказилган сўровлар натижасига кўра январь ойида аҳоли томонидан сезилган инфляция даражаси ўтган ойга нисбатан бироз тезлашиб, **13,5** фоизни ташкил этди.



Сезилган инфляция даражасининг энг юқори кўрсаткичи **Тошкент шаҳри** ва **Фарғона вилоятида** истиқомат қиладиган аҳоли томонидан қайд этилган бўлса, энг паст сезилган инфляция даражаси

Қорақалпоғистон Республикасида кузатилди.

Декабрь ва январь ойларида аҳоли томонидан нархларида юқори ўсиш кузатилган асосий турдаги товар ва хизматлар




СЕЗИЛГАН ИНФЛЯЦИЯ ОМИЛЛАРИ (АҲОЛИ)

2024
ЯНВАРЬ

жами 2071 та
респондент
қатнашди



Даромадлари **7 млн.сўм ва ундан юқори** бўлган аҳолининг сезилган инфляция даражаси республика бўйича ўртача кўрсаткичдан юқори даражада шаклланди.



Ҳудудлар кесимида аҳоли томонидан сезилган инфляция даражаси бўйича жавоблар тақсимоти

